

**ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИНСПЕКТОРЛАР
ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШГА ДОИР РИВОЖЛАНГАН
МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ**

Реймкулова Хурзада Ханузатдиновна

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ

жамоат хавфсизлик хизмати

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси

хотин кизлар масалалари бўйича ўринбосари

g-mail:gvaleriya0000@gmail.com

tel. (50) 054-66-32

<https://orcid.org/0000-0001-8852-3372>

Аннотация: ушбу мақолада ривожланган мамлакатларда хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар фаолиятини бошқаришнинг илмий таҳлили амалга оширилади. Маълумотларга асосланган ҳолда, институтлараро ҳамкорлик, давлат сиёсати ва жамоат ташкилотларининг ролини таҳлил қилиш орқали инспекторларнинг жамиятдаги ўрни ва фаолиятини кўриб чиқамиз. Мақолада шундай амалий таклифлар келтириладики, улар мамлакатимизда хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам бериши мумкин. Ривожланган давлатларнинг тажрибаси, жумладан, усуллар, стандартлар ва стратегик ёндашувлар, хусусан, гендер тенглик ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги энг яхши амалиётларни ўрганиш борасидаги муҳокамалар қамраб олинган. Мақоладаги тадқиқот натижалари хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар фаолиятини оптималлаштиришдаги самарали стратегияларни яратишда фойдаланиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: хотин-қизлар масалалари, инспекторлар фаолияти ривожланган мамлакатлар бошқариш илмий таҳлил гендер тенглик, инспекторларнинг фаолияти, уларнинг вазифалари, масъулиятлари, ҳуқуқий мақоми, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти, фуқаролар иштирокини ошириш ва жинсий тенгликни, жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги.

**ПРАВОВОЕ ПОЛОЖЕНИЕ ЖЕНЩИН И ДЕВУШЕК, ВОПРОСЫ
ИНСПЕКТОРОВ И ОСНОВЫ УПРАВЛЕНИЯ ИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ**

Аннотация: В данной статье проводится научный анализ управления деятельностью инспекторов по делам женщин в развитых странах. На основе полученных данных мы рассматриваем роль и деятельность инспекторов в

обществе, анализируя роль межведомственного сотрудничества, государственной политики и общественных организаций. В статье представлены такие практические предложения, которые могут помочь повысить эффективность работы инспекторов по делам женщин в нашей стране. Освещается опыт развитых стран, включая дискуссии о методах, стандартах и стратегических подходах, в частности, об изучении передового опыта в области гендерного равенства и защиты прав женщин. Результаты исследования в статье служат важным ресурсом для использования при создании эффективных стратегий оптимизации деятельности инспекторов по женским вопросам.

Ключевые слова: деятельность инспекторов, их обязанности, ответственность, правовой статус, важность сотрудничества государственных и общественных организаций, повышение активности граждан и гендерного равенства, социальная стабильность общества.

LEGAL STATUS OF WOMEN AND GIRLS ISSUES INSPECTORS AND ESSENTIALS OF MANAGEMENT OF THEIR ACTIVITIES

Abstract: This article analyzes the legal status of women's inspectors and the essence of managing their activities. Inspectors play an important role in protecting women's rights, ensuring gender equality and combating violence. The article examines their legal status, duties and responsibilities, as well as mechanisms necessary to manage their activities. Factors such as governance, monitoring, community engagement, and resource provision are important in improving the effectiveness of inspectors.

Keywords: activities of inspectors, their duties, responsibilities, legal status, importance of cooperation between state and public organizations, increasing citizen participation and gender equality, social stability of society.

КИРИШ

Дунё давлатлари шахарларининг шиддат билан ривожланиб, тобора замонавий қиёфа акс эттириб бораётгани унинг марказий кўчалари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини замон талаблари асосида таъминлашни тақозо этмоқда. Статистик маълумотларга кўра 2019 йилнинг ўзида аксарият ривожланган давлатларда кўча жиноятларининг умумий жиноятлардаги улуши ўртача 20,1%ни ташкил этгани ва кўрсаткич ҳар йили ўсиб бораётганини, бу борада биргина Россиянинг ўзида 2019 йилда қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга шикаст етказиш, зўрлаш, талончилик, ўғрилик, безорилик каби жиноятларнинг ўртача 34,1 фоизи жамоат жойларида содир этилганлигини кўрсатмоқда¹. Ахамиятлиси ушбу миқдорларнинг ичида аёллар

¹Бухтоярова Н.А., Семеник Д.П. Уличная преступность и ее предупреждение // «Молодой учёный». 2019. – №51.

билан боғлиқ ҳолатлар ҳам талайгина. Жаҳонда хотин-қизлар жиноятчилги билан шуғулланувчи полиция тармоғи фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш муаммоларини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш, янги авлод технологиялари ва дастурий тизимлар билан таъминлаш орқали уларнинг иш самарадорлигини ошириш ҳамда хизмат фаолиятини мақсадга мувофиқ моделлар асосида ташкил этиш (моделлаштириш) каби масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Барча давлатларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири бўлиб, ушбу вазифа билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаларни бошқариш турли йўللار ва усуллар орқали амалга оширилади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимизда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимига татбиқ этиш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир. Ҳуқуқшунос олим Д.В. Васильев таъкидлаганидек, хориж тажрибасини ўрганиш жамиятни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини белгилаб олиш, башариятнинг узок тарихий тараққиёти жараёнидаги янгилишувлар ва хато ёндашувларга қайта йўл қўйилишининг олдини олиш имконини беради. Қолаверса, Н.Г. Хижняков тўғри таъкидлагидек, хорижий давлатларнинг тажрибасини синчковлик билан ўрганиш ва жорий этишда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Ички ишлар органлари, хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар фаолиятини бошқаришнинг айрим жиҳатлари мамлакатимизнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда маълум даражада ўрганилган. Хусусан, ички ишлар органлари бошқарувига оид масалалар Ҳ.Р. Алимов, Б.Э. Қосимов, Ў.Х. Мухамедов, И. Исмаилов, Ҳ.Т. Одилқориев, Ю.С. Пулатов, З.Р. Рўзиев, У.Т. Таджиханов, А.С. Турсунов, И.А. Хамедов, О.Т. Ҳусанов каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган.

Бевосита, хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар фаолиятини бошқаришнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, бошқа субъектлар билан ҳамкорлиги (И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев), ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларнинг олдини олишдаги иштироки (Ж.С. Мухторов), назорат-лицензия тизимини таъминлашдаги роли (С.М. Селиманова), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари (З.Р. Рўзиев), уюлмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки (Ш.Р. Ғофуров) билан боғлиқ айрим масалалар тадқиқ этилган.

С. 73. <https://xn--b1aew.xn--p1ai/reports/item/19412450/>

НАТИЖАЛАР

адқиқот натижалари қуйидагилардан иборат: Бир қатор олимлар, хорижий полиция органларининг ташкилий тузилиши, функциялари ва ваколатларининг турли даражалар ўртасида тақсимланиши ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлган бошқарув шакллари ва давлатнинг марказлашиш даражасига боғлиқлигини таъкидлайдилар .

Замонавий ҳуқуқ-тартибот идоралари ташкил этилгандан бери патруллик қилиш жиноятчиликнинг олдини олишнинг асосий усули сифатида фойдаланилган. XIX асрнинг 70-йилларига келиб, патруллик хизматини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар бир мунча фаоллашди. Бунинг натижасида патруллик хизматининг самарадорлиги ижобий томонга ўзгарди, айниқса ғарб мамлакатларида – унинг сифати ва миқдори ошди . Қолаверса, ғарб давлатларининг полиция тизимини ўрганган тадқиқотчилар, ушбу мамлакатларда полиция хизмати турли хил профессионал ташкилотлар, яъни жамоат полиция кучлари, хусусий хавфсизлик идоралари, қуролли кучлар, турли хил назорат ҳамда тергов ваколатларига эга ҳукумат идоралари томонидан амалга оширилса-да, ушбу органларнинг энг таниқлиси бу – жамоат жойларида пиёда ва автомобилларда патруллик қиладиган жамоат полиция кучлари ҳисобланишини эътироф этадилар. Улар фуқаролик ҳокимиятининг энг кўзга кўринган вакиллари бўлиб, одатда полиция ташкилотлари билан боғлиқ моделларни намойиш этадилар . Рус олими А.Н. Бадмаев ҳам хорижда патруль хизматини ташкил қилиш ва кучайтиришга катта эътибор берилиши ҳамда қоидага кўра, у ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида асосий, мустақил ва жуда кўп сонли тузилма сифатида намоён бўлишини таъкидлайди . Бу эса Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари фаолиятини бошқариш бўйича хорижий давлатлар тўплаган тажрибани миллий қонунчилигимиз ва уни қўллаш амалиётига самарали жорий этиш уни ўрганишда тизимли ёндашувни талаб қилади. Шу сабабли, кўзланган мақсадга эришиш учун Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари фаолиятини бошқаришга доир хориж тажрибасини қуйидагича тизимлаштирган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

МУХОКАМА

Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари миллий полиция ходимларининг 60 фоизини ташкил этади ҳамда хизматни олиб бориш давомида шаҳар полициясига бўйсунди. Мамлакатда патруль хизмати фаолиятини ташкил этилишининг ривожланиши ва такомиллаштирилиб боришига катта аҳамият қаратилади. Франция полиция органларининг оммавий тадбирларни ўтказиш даврида жамот тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги ролини ўрганган тадқиқотчи Т.И. Мараев

мамлакатда барча даражадаги оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида патруль-пост хизмати бошқа органларга нисбатан етакчи ўрин тутишини таъкидлайди .

Европа давлатлари орасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида яна бир ўзига хос тажрибага эга бўлган Италияда ҳам полиция юқори даражада марказлашган тизим ҳисобланади. Италияда ҳозирги вақтда полиция функциясини бажарувчи учта ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мавжуд. Уларнинг барчаси турли хил ташкилий тузилмалар ва бўйсунувларга эга. Булар: 1) 1852 йилда ташкил этилган Давлат полицияси (Polizia di Stato), у жамоат хавфсизлиги полицияси (Forze di pubblica sicurezza) деб ҳам аталади; 2) 1814 йилда Франция жандармерияси модели асосида ташкил этилган Карабиниер корпуси (Arma (Corpo) dei carabinieri); 3) молия соқчилар корпуси (Corpo della Guardia) 1907 йилда Карабиниерига кўшимча равишда ташкил этилган.

Жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасидаги вазифалар ўзаро бир-бирига бўйсунмайдиган бир нечта мустақил, махсус ҳуқуқий мақомга эга бўлган полиция ташкилотлари томонидан амалга оширилсада, Давлат полицияси уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Шунингдек, юқоридаги тизимлардан ташқари, Италияда давлат полицияси тизимларига кирмайдиган ва 10 мингдан ортиқ одам яшайдиган шаҳарларда ташкил қилинган муниципал полиция (Corpo di polizia locale)лар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳокимиятнинг бюджети томонидан молиялаштирилади ва тегишли шаҳар муниципалитетига бўйсунди. Ушбу полиция шаҳарда олиб бориладиган тури оператив-тергов ва бошқа тадбирларда Давлат полициясининг захираси ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси ҳудудда жамоат тартибини сақлашда аҳоли пунктларини санитария ҳолатини назорат қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдан иборат . Ушбу хизматни пиёда, полицияга мўлжалланган автоуловлар ва мотоциклларда олиб борадилар. Баъзи шаҳарларда улар хизмат итлари ҳамда отлардан ҳам фойдаланадилар .

ХУЛОСА

Аёллар орасида жиноятчиликка барҳам бериш ҳар қандай мамлакатда ва ҳар қандай жамиятда долзарб масаладир. Ички ишлар органлари хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари ИИО тизимидаги бошқарувнинг таркибий қисми ҳисобланади. У орқали ИИО давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар билан ташкилий-ҳуқуқий муносабатларга киришади.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминловчи, ҳуқуқ-тартибот ва ягона давлат сиёсати асосида бу соҳадаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи, жамият ва юридик нормаларни қўриқловчи давлат ҳокимияти органларининг

тизимини ташкил этади. Ички ишлар органлари хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар ушбу тизимда алоҳида ўринни эгаллайди.

Ички ишлар органлари хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар фаолиятини батафсил ўрганиш, аввало, унинг асосини ташкил этувчи аёллар ўртасидаги ҳуқуқбузарликка барҳам бериш ва бу орқали бутун бир жамиятнинг тинчлигини таъминлашда катта қадам ташланишини англаган ҳолда «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларининг мазмунини ёритиб ўтишни талаб қилади. Негаки, бу тушунчаларнинг моҳиятини тушунмай туриб, ички ишлар органлари хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар фаолияти мазмун-моҳиятини англаб бўлмайди.

Уларнинг фаолияти ҳуқуқий асослар, аниқ вазифалар ва масъулиятлар билан қўллаб-қувватланади, бу эса уларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 2017 йил Б. 312,313

2. Васильев В.Д. Концепции организации деятельности полиции и возможности их использования в отечественной практике: По материалам США и некоторых стран Западной Европы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. // [Электрон манба]. – URL: <http://dissercat.com/content/kontseptsii-organizatsii-deyatelnosti-politsii-i-vozmozhnosti> (мурожаат вақти: 21.05.2016).

3. Хижняков Н.Г. Милиция в системе исполнительной власти Российской Федерации (теоретические и организационно-правовые аспекты): Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1998. – С. 34.

4. Петрова О.В. Об использовании зарубежного опыта сотрудничества территориальных органов власти и полицейских формирований // Вестник Уфимского юридического института МВД России. 2015. – № 4. – С. 75.;

5. Cengiz Y. Türkiye’de devriye hizmetleri ile suç ilişkisinin incelenmesi: gölbaşı örneği // Güvenlik Bilimleri Dergisi, 2015, – 4(1), – С. 21.

Cengiz Y. Türkiye’de devriye hizmetleri ile suç ilişkisinin incelenmesi: gölbaşı örneği // Güvenlik Bilimleri Dergisi, 2015, – 4(1), – С. 21.

5. Егорова Н.Э., Кудинов О.Ф., Новичкова Е.Е. К вопросу о содержании, формах и методах организации охраны общественного порядка (на материалах МВД по Республике Бурятия) // Вестник Восточно Сибирского института Министерства внутренних дел России. 2015. – № 2 (73). – С. 37.

6. Зиёдуллаев М.З. Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимлари: тарихи, бугуни ва хориж тажрибаси: // Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 26.